



Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Шодмулк Хотун Самарканд шахрининг куйи табакасига мансуб хунарманд оиласида дунёга келади. Амир Темурнинг суюкли набираси Халил Султон Мирзо (Мироншоҳ Мирзонинг ўгли, 1366—1408) кунлардан бир кун шаҳар четидаги бог кўчадан отда ўтиб кетаётиб, Шодмулкка кўзи тушади ва уни севиб қолади. Халил Султон Мирзо (1384—1411) жасоратли, харбий салоҳиятли ва истеъдодли йигит бўлган. Балогатга етгач, уни аслзода хонадон кизига уйлантиришган. Ундан бир ўгли ҳам бор эди. Аммо Шодмулкни севиб қолгач, ўз замонасининг таомилига қарши ўларок, шу кизга уйланади. Табиийки, бундай «тенгсиз» никоҳга Темур бошлик бутун авлод қарши туришган. Бирок Халил Султон Мирзонинг қатъий қарори қолиб чикади. Амир Темур аввалида қаттиқ қазабланган бўлса-да, кейинчалик набирасига бўлган юксак эътиқоди туфайли унинг гуноҳини кечиради.

Амир Темур вафотидан сўнг, 1405 йил март ойида Халил Султон Мирзо Самарканд тахтига ўтиради. У салтанатни бошқаришда адолатни бош мезон қилиб, мамлакат ички ва ташқи аҳолини яхшилаш чораларини излайди. Лекин хотини Шодмулк бегимнинг салтанат ишларига фаол аралашуви натижаси ўларок, арқони давлат орасида айрим норозиликларнинг қилиб чиқишига сабаб бўлади. Шодмулк бегим Темурнинг барча бева хотинлари-ю хос қанзакларини харбий бошлиқлар ва амалдорларга инъом қилиш ҳақида Халил Султон Мирзога маслаҳат бериб, уни қўндиради. Жумладан, 1406 йилда Темурнинг бева хотини Туман Ого бегимни амир Шайх Нуриддинга хотинликка беради. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Сарой Мулк хоним билан Туқал хонимларни Шодмулк бегимнинг махфий буйруғига биноан заҳарлаб ўлдирганлар. Темур давридаги бек ва амалдорларга етарли илтифот ҳам қўрсатилмайди. Ҳазина ва салтанат ишларида Шодмулк бегимнинг фаолияти баттар қучаяди. Шодмулк бегимнинг хоҳиш-иродаси ила қуйи табақага мансуб кишилар юқори лавозимларга қўтарилади. Темур сафдошларига қарама-қарши ўларок, Шодмулк бегимнинг хоҳишига мувофиқ, қандайдир Бобо Турмуш деган қимса тўла ҳуқуқли вазирлик мансабини эгаллайди. Аввалги амалдорлардан Оллоҳдод ва Аргуншоҳларга ҳам ҳеч қандай рағбат бўлмайди.

Арқони давлат ўртасида вужудга келган бундай нобаробарлик салтанат пойдеворига раҳна солиши муқаррар эди. Зотан, ана шундай қулай вазият Шохруҳ Мирзо учун асқотди. 1409 йил баҳорида Шохруҳ Мирзо қўшини Бодхез мавзеига қилиб тўхтади. Халил Султон Мирзонинг қўшини эса Шаҳрисабзда жангга тайёр ҳолда турарди. Шу аснода шимолда амир Худайдод бошчилигида қўзғолон қўтарилгани ҳақида хабар

келади. Халил Султон Мирзо асосий қўшинни Шахрисабзда қолдириб, 4000 аскар билан амир Худайдодга қарши боришга мажбур бўлади. 1409 йил 30 март куни Халил Султон Мирзо амир Худайдод томонидан асирга олинди, Самаркандга келтирилади ва кейинчалик Фарғонага олиб кетилади. Унинг хотини Шодмулк бегимни эса Шохрух Мирзога топширадilar. Айрим маълумотларга қараганда, Шохрух Мирзо Шодмулк бегимни тахқирлаб, қўп азоб-укубатларга дучор қилади. Нihоят, Халил Султон Мирзони Фарғонадан Ўтзорга келтириб, амир Шайх Нуриддин воситачилигида Шохрух Мирзо билан Халил Султон Мирзо ўртасида битим тузилади. Битимга мувофиқ, Халил Султон Мирзо Мовароуннахр ҳукмронлигидан воз кечади. Бунинг эвазига Рай вилоятининг ҳокими этиб тайинланади. Хотини Шодмулк бегим қайтариб берилади. Қўп ўтмай, 1411 йил 4 ноябр чоршанба куни Халил Султон Мирзо Рай шаҳрида бетоб бўлиб, вафот этади. Айрим маълумотларга қараганда, у захарланиб ўлади. Шундан сўнг 1411 йилнинг охирида эридан кейин яшашни истамаган Шодмулк бегим захар ичиб оламдан ўтади.